TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Special Issue Part 1 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

About this Special Issue

This Special Issue presents selected papers from the International Scientific Conference
Ijtimoiy fanlar va jamiyat taraqqiyoti:
barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishlari

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science


TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
TITU
TOSHKENT – 2022
TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI
IJTIMOIY FANLAR VA JAMIYAT TARAQQIYOTI:
BARQAROR RIVOJLANISHNING
STRATEGIK YO‘NALISHLARI
GLOBAL MIQYOS
STRATEGIYA VA TARAQQIYOT
ILM-FAN VA INNOVATSIYA
JAMIYAT VA INSON KAPITALI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
ILM-FAN ORQALI BARQAROR KELAJAK SARI
2026-yil 15-may

Contents

A. A. Djumanqulov *A. A. Beknazarov*	Psychological and Methodological Principles of Effective Lesson Time Management by Teachers	6
B. A. Khasanova *R. Abdullaev*	Digital Transformation in Central Asia: An Assessment Based on the Case of the Kyrgyz Republic	8
Yu. Akhmedov	The Strategic Importance of Crisis Communication in Ensuring National Stability in Polyethnic Societies	13
O. F. Egamberdiev	The Role, Determinants, and Effectiveness of Marketing Strategies in the Sustainable Development of the Transport System: Evidence from the Khorezm Region	17
R. Sh. Ibrahimova	Development History of Parasitology in Azerbaijan	20
B. O. Turaev	Ali Qushchi: The Scholar Who Introduced the Achievements of Ulugh Beg's Academy to the World	22
H. Hamidov	The History of Artists during the Reign of Amir Temur and the Timurid Period	26
S. Dj. Saidova	National Costume as a Historical and Spiritual Phenomenon	30
K. M. Yuldoshev	Innovation in Education	33
A. S. Kaliev *N. B. Bazarbaev*	Political Development and the Transformation of Civil Identity in Uzbekistan: The 690th Anniversary of Amir Temur and the Politics of	36
K. M. Yuldoshev *Z. Murodova*	Rabat-i Malik Caravanserai: A Key Waystation on the Great Silk Road	39
D. S. Saparboeva	Features of the Development of Logical Thinking in Primary School Mathematics Lessons	42
Sh. O. Sayfullaeva	Developing Reading Skills through Authentic Texts in Teaching Russian as a Foreign Language	44
N. Kh. Kholyigitova	The Role of Personal Values–Oriented Career Planning in Higher Education for Societal Development	46
M. N. Inatov	The Application of Sociological and Historical Analysis Methods in Letter Analysis	48
M. G. Nazarova	Socio-Psychological and Educational Strategic Directions for Preparing Future Engineers for Professional Activity in the Context of Societal Development	51
I. H. Jabrayilov	Common Turkish History: Research and Teaching Issues	54
O. V. Kon	Preparing the Next Generation of Social Educators in Higher Education: A Competency Model in the Context of Global Societal Challenges	56
D. A. Egamberdieva	The Semantic Characteristics of Nature Symbols in Uzbek and English Fairy Tales	60
Q. H. Inoyatov	The Scientific Legacy of Our Great Ancestors as a Source of Education and Moral Values	64
A. J. Toshboboev	The Integration of Social Sciences and the Education System for Sustainable Societal Development: An Analysis of Historical and Contemporary Approaches	66
G. B. Ernazarov	The Role of the Service Sector in the National Economy: Significance, Economic Analysis, and Strategies for Improvement	69
Ə. M. Zeynalov	Azerbaijan in French Literature	72
K. M. Gulomova	The Role of Modern Pedagogical Technologies in Enhancing Teachers' Professional Competence	76
S. Ibrohimov	Culture and Historical Heritage as Economic Resources: Innovative Management and Strategies for Sustainable Growth	79
J. O. Kucharov	Enhancing Workforce Potential in Small Business Enterprises in Uzbekistan	82

Rabat-i Malik Caravanserai: A Key Waystation on the Great Silk Road

K.M.Yuldoshev (Doctor of Sciences in Pedagogy, Professor)[1]

Murodova Zebo (bachelor student)[2]
zelishmuratova@gmail.com
[1.] Renaissance Educational University
Tashkent, Uzbekistan
[2.] Webster University in Tashkent
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
This article examines the historical significance of the Rabat-i Malik Caravanserai as one of the major waystations on the Great Silk Road. It analyzes the origins, architectural features, economic functions, and strategic importance of the monument in facilitating trade and cultural exchange between East and West. The study highlights the role of Rabat-i Malik in supporting caravan routes, ensuring the safety of merchants, and promoting regional development in Central Asia. Drawing on historical sources and archaeological evidence, the article also discusses the caravanserai's association with prominent historical figures and its importance as a unique monument of medieval architecture that continues to represent the rich cultural heritage of Uzbekistan.
Keywords: Rabat-i Malik, Great Silk Road, caravanserai, Central Asia, medieval architecture, trade routes, cultural heritage, Karmina, historical monument, archaeology

Работи Малик-карвонсаройи Буюк ипак йўлининг муҳим манзили

К.М. Йўлдошев (педагогика фанлари доктори, профессор)[1]

Муродова Зебо (бакалавр талабаси)[2]
zelishmuratova@gmail.com
[1.] Ренессанс таълим университети
Тошкент, Ўзбекистон
[2.] Тошкент шаҳридаги Вебстер университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация.
Ушбу мақолада Работи Малик карвонсаройининг Буюк Ипак йўлидаги муҳим манзиллардан бири сифатидаги тарихий аҳамияти таҳлил қилинган. Унда ёдгорликнинг барпо этилиши, меъморий хусусиятлари, иқтисодий вазифалари ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-маданий алоқалар ривожидаги ўрни ёритилган. Шунингдек, Работи Маликнинг карвонлар ҳаракатини таъминлаш, савдогарлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва Марказий Осиё ҳудудларининг тараққиётига қўшган ҳиссаси тарихий манбалар ва археологик далиллар асосида баҳоланган. Мақолада мазкур карвонсаройнинг машҳур тарихий шахслар билан боғлиқлиги, ўрта асрлар меъморчилигининг ноёб намунаси сифатидаги қиймати ва Ўзбекистон маданий меросидаги ўрни ҳам алоҳида ёритилган.
Калит сўзлар: Работи Малик, Буюк Ипак йўли, карвонсарой, Марказий Осиё, ўрта асрлар меъморчилиги, савдо йўллари, маданий мерос, Кармана, тарихий ёдгорлик, археология.

Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлиб, милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк Ипак йўли ўтган давр ичида Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсдаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлган савдо йўли бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиё ҳудудларининг ривожланиш жараёни Буюк Ипак йўли билан узвий боғлиқ. Хусусан, милоддан аввалги II асрдан бошлаб Хитой ва Марказий Осиё тарихий-маданий вилоятлари ўртасида савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борган. Фарғона, Суғд ва Бақтрияга ипакчилик кириб келган. Карвон йўли ривожланиб боргани сари савдо-сотиқ ва маданий алоқалар тараққий этиб борган. Шунингдек, Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайган. Давлатлар ривожланишидаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келган. Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, сардобалар, шаҳарлар барпо этилган. Марказий Осиё бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли, савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз, Бухоро ва бошқа ҳудудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилиб келганлар. Ўрта асрларда Марказий Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда Ипак йўли устидаги кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизнинг яққол далили бўла олади[8] (Эргашев Ж.Б. Ўтмишга назар/ № 13/2019. – Б. 5-6.).

Карвон саройлар савдо-сотиқ тизимини ривожланиши, карвон йўлларини хавфсизлигини таъминлаш, солиқ, божхона тизими каби иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларини тартибга солган. Карвон саройларнинг кенг миқёсда қурилиш жараёни ўрта асрларда жадал тус олган. Хусусан, IX-X асрлардаги работлар, уларнинг меъморий тузилишига эътибор қаратсак, улар мустаҳкамланган ва қўриқланадиган карвонсаройлар вазифасини бажарган Кейинги даврларда Мовароуннаҳрнинг ҳар

бир йирик шаҳарларида работлар қурилган бўлиб, тарихий адабиётларда бу ҳақида етарлича маълумотлар келтирилган. [8] (Эргашев Ж.Б. Ўтмишга назар/ № 13/2019. – Б. 5-6. 14).

Ўз даврининг буюк қасрларидан бири бўлган Работлар араблар Шарққа қараб юриш бошлаган пайтлардан бошлаб, чегараларда отлиқ соқчиларнинг туришлари ва чегарани қўриқлашга мўлжаллаб қурила бошланган. Дастлабки работлар Хуросонда вужудга келган. VIII асрда уммавийлар халифаси Амрос ибн Абдуллоҳ (727–729 йиллар) биринчи работни қурдиргани ҳақида маълумотлар мавжуд" [6] (Немцева Н. Б. Рабат-и-Малик. В кн. Художественная культура Средней Азии IX-XIII века [Сборник статей.] –Т., 1983. -С. 116–118.). Булар орасида Хуросондаги IX аср ёдгорликлари Работи Шариф ва Работи Султон энг машҳурлари бўлган. Кейинчалик работлар йўллар устида қурилиб, меҳмонхона вазифасини ҳам бажариб келган. Худди шунингдек, Чўли Маликда қурилган Работи Малик ҳам Буюк Ипак йўли устида қурилган карвонсарой – меҳмонхона вазифасини бажарган. Работи Малик Марказий Осиёдаги энг қадимги монументал архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. У карвонсаройдан ташқари, атроф ва чегарани қўриқлаш истеҳкоми вазифасини ҳам бажарган. Шунингдек, Кармана ва Тавоис ўртасида Буюк Ипак йўлидан ўтувчи йўловчилар учун муҳим ва зарурий қўналға бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон замини асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг марказий бўғини сифатида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги фаол савдо-иқтисодий, маънавий ва маданий алоқалар туташувининг маркази бўлган. Ўрта Осиё ўрта асрлар меъморчилигининг ажойиб ёдгорликларидан бир бўлган Работи Малик ("Подшо қалъаси") карвонсаройи Кармана яқинидаги даштда, минтақанинг икки қадимий марказлари, Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги асосий магистрал йўлда жойлашган. Бу ердан Ўрта ер денгизи мамлакатлари ва Хитойни боғлаб турган Буюк Ипак йўли ўтган. Араблар истилоси даврида бу йўлни йўл бўйидаги махсус қалъаларда жойлаштирилган йирик араб ҳарбий гарнизонлари қўриқлаган [3] (А.М. Беленицкий., И.Б. Бентович., О.Г. Большаков. Средневековый город Средней Азии, Л.-1973, -С.152.).

X асрда Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги йўлнинг аҳамияти ниҳоятда ортиб, уни шоҳ йўли - " Шоҳ-Роҳ" деб аташган [2] (В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.Т.1.- Москва-1963, -С. 148.). Йўлнинг нариги тарафида мазкур давр тарихий маданиятининг иккинчи ёдгорлиги – XI-XII асрларнинг гидротехник сув сақлаш иншооти - Сардоба жойлашган. Сардобага сув Зиёвуддин тоғ тизмаси жилғалари сувлари, ер ости сувларидан ва кичик ариқлар тизимидан оқиб келган.

Работи Малик карвонсаройи XX асрнинг 20-40 йилларигача сақланиб қолган. Бош фасад қисми – бурама новсимон, ярим эгилган устунлари-гофралари ва монументал салобатли кириш пештоқи қолган холос.

Қадимги Работи Малик карвонсаройи Карманадан 21 км ғарбда жойлашган Чўли Маликда барпо этилган.

Работи Малик 1069–1079 йиллар орасида Бухорода ҳукмронлик қилган қорахоний султонлардан бўлган Малик Шамсулмулк Носир ибн Иброҳим (1068–1079 йиллар) даврида курилган [3] (Ўша китоб, -Б.24.).

Рус шарқшуноси В.В. Бартольд: "Қорахонийлар кўчманчи ҳаёт кечиришларига қарамай, мамлакат ҳукмдорлари зиммасида бўлган шаҳарларни юксак ва гўзал иморатлар билан безаш, катта йўл ёнида работлар қурилишда ўз ифодасини топадиган юмушларни бажарганлар", – деб ёзган эди [2] (Бартольд В. В Соч. Т. 1. –М., 1963. -С. 378. 16 17.).

Шамсулмулк ҳам Бухоро ва унга қарашли ҳудудлар атрофида қатор иморатлар қурдирган. Работи Малик катта карвонсарой бўлиб, унинг майдони тахминан 4000 м2 атрофида бўлган. Унда ўн қатор қилиб, олтитадан баланд эшик устунлар ўрнатилган. Устунлар ўрни ҳозирга қадар сақланиб қолган. Олтмиш устунли бундай сарой Марказий Осиёдаги энг катта карвонсаройлардан бири бўлиб, бу ерда туя, от уларга ем - хашак ва уларнинг юклари сақланган. Карвонсарой деворларининг тўртта бурчагида 18 метрли 4 та минора бўлган ва у "Гулдаста" деб аталган. Карвонсарой ичида сополдан ясалган қувурлар орқали сардобадан сув ўтказилиб, сарой сув билан таъминланган. [6] (Немцева Н. Б. Рабат-и-Малик. В кн. Художественная культура Средней Азии IX-XIII века |Сборник статей| –Т., 1983. – С. 112–124.)

Работи Маликдаги карвонсаройда ҳудуд аҳолиси ўзининг ҳунармандчилик, заргарлик, мармар, сопол буюмлари орқали чет эл савдогарлари билан товар айирбошлаб, савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Работи Малик карвонсаройида XI ва XVIII асрлар давомида савдо ярмаркалари ташкил этилган. Кармана сочиқлари, бахмаллари, турли рангли рўмоллар, кигизлар, шунингдек, кулолчилик маҳсулотлари, мис, кумушдан ясалган офтобалар, гулдонлар, оқ фонда, қора рангда, расм туширилган ва жигарранг-қўнғир рангли, нақшлар билан безатилган сирланган сопол идишлар сотилган. [1] (Аҳмад ибн Маҳмуд. Китоби Муллазода. Бухоро вилоят кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлими. №8, инв. № 299/1.).

Бундан ташқари Эрон, Афғонистон, Хитой мамлакатларидан ипак маҳсулотлари келтирилган. Работи Маликдаги баъзи меъморчилик артифактлари Араб ота мақбараси, Моғоки Аттор масжиди (IX–X асрлар) безакларида ҳам учрайди. Ҳофиз Таниш Бухорий "Абдулланома" асарида Работи Маликнинг қорахоний султонлар даврида қурилиб, ўз даврида алоҳида аҳамиятга молик бўлганлигини ёзиб қолдирган. [10] (Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-жилд. – Т., 1999.)

Работи Маликда Амир Темур ва темурийзодалар бир неча бор бўлганликлари ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида "Амирзода Жаҳонгир Бухоро вилоятига етиб борди. Амир Соҳибқирон эса Работи Маликка тушди. Амирзода Кармана мавзеида душманга етди. Ёғийлар ўзларининг баробар келмасликларини билиб, қочдилар ва Ўрисхон ҳузурида паноҳ топдилар …", - деган фикрлар келтирилади [7] (Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Тошкент, 1996, -Б. 99.).

Тарихий маълумотларга кўра, Улуғбек 1420 йилда ушбу жойда тўхтаб, қирқ кун шикор-ов билан машғул бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг Бобурнома асарида Работи Маликда бўлганлиги тўғрисида маълумотлар қолдириб, Кармана номини ўз асарларида қайд этиб ўтганлиги, хусусан икки маротаба Карманадаги Работи Маликда тўхтаб ўтганлигини ёзиб қолдирган.

Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон билан 1512 йил 28 апрелда Чўли Маликда жанг бўлганлиги ва унда Бобур қўшинлари енгилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Демак, юқоридагиларга асосланиб, Работи Маликни подшоҳлар қароргоҳи сифатида машҳур бўлган десак муболаға бўлмайди.

Қорахонийлар сулоласи XIII аср бошларида тарих саҳнасидан тушгандан кейин, Ўрта Осиёни мўғуллар истило қилиши оқибатида ушбу обод "Подшоҳ қалъаси" дастлаб сулолавий қароргоҳ бўлишидан тўхтади, кейин эса аста-секин Самарқанд-Бухоро ўртасидаги катта йўл бўйидаги оддий карвонсаройга айланди. Қазишмалар жараёнида "Подшоҳ қалъаси" XI асрда бунёд этилиши, XII асрда қайта таъмирланиши, XIII асрдан XVIII асрнинг бошларига қадар йўл ёқасидаги карвонсарой сифатида фаолият юритганлиги аниқланди.

Ушбу карвонсаройнинг таъмирлаш ишларида Ислом оламининг буюк намояндалари Мавлоно Ориф Деҳгароний

ва унинг шогирди Баҳовуддин Нақшбандийлар ҳам меҳнат қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Карвонсарой муҳим стратегик ва ҳарбий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, кўплаб босқинчиларга қарши жангларда мудофаа истеҳкоми вазифасини бажарган. Хусусан, Маҳмуд Торобий 1238 йилда Работи Маликда мўғул истилочилари устидан ғалаба қозонади. У Бухоро руҳонийлари бошлиғи Шамсиддин Маҳбубий билан душманларни Карманадан ҳайдаб чиқаради ва кейинги жангларнинг бирида Маҳмуд Торобий ва унинг кўпгина сафдошлари Работи Маликда шаҳид бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда қайд этиб ўтилади [9].

Шунингдек, Работи Маликнинг қорахонийлар даврида қурилиб, ўз даврида алоҳида аҳамиятга молик иншоот бўлганини Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Тарихи Муллозода”, асарида ҳам эслатиб ўтади. Тарихий манбаларда XVI аср охирларида бу жой энг гўзал манзиллардан бирига айланиб, Бухоро хони Абдуллахон II ҳар сафар Карманага, пири Қосим Шайх ҳазратларини зиёрат қилишга келганида Работи Маликда тўхтаб, дам олгани тўғрисидаги маълумот беради [1].

Работи Малик карвонсаройи XIX аср охирларигача ўзининг муҳташамлиги ва гўзаллигини сақлаб қолганини 1870 йилларда Чор Россияси қўшинида хизмат қилган, Туркистон ўлкасининг тарихий ва жўғрофий ўрнини ўрганиш экспедециясининг раҳбари Н.А.Маев 1879 йилда чоп этилган “Бухоро хонлиги очерклари” номли асарида қуйидагича қайд этади: “Карманадан икки тош узоқликда Малик харобалари жойлашган. У пишган ғиштдан қурилган ниҳоятда кенг ва катта карвонсарой бўлиб ҳисобланади. Минора ва карвонсаройнинг кириш қисмидаги пештоқининг гўзаллиги ва бино чиройи ўзининг нафислиги ва бежиримлиги билан кишини ҳайратга солади” [4,5] (Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанскаго края. Выпуск – 5. Петербург, 1879; Яна Қаранг: Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. Рус тилидан И.Ботиров таржимаси. Т.: Фан ва технология, 2012. Б.59-60.). Ҳатто XIX аср охирларида ҳам ушбу карвонсарой фаолияти тўхтамаганини ҳамда бу ерда гавжум бозор борлигини ҳам эслатиб ўтади.

XX асрнинг 50-йилларига келиб эса Работи Маликнинг фақат портал қисми сақланиб қолган холос. Ўлкашунос олим Ф.Абдухолиқовнинг таъкидлашича Работи Малик бош дарвозаси пештоқининг юқорисида қуйидаги форсий ёзув сақланган: “Жаҳон султони ушбу гўзал ва шинам бинони халқнинг тўхтаб дам олиши учун барпо этган. Бу карвонсарой худонинг марҳамати бўлиб, улуғворликни ўзида сақлаб қолган. Бу гўзал бинонинг майдони ва айвони жаннатмакон жойга айланган”.

Жанубий-ғарбидаги минорада эса, Қуръони Каримнинг Нисо сурасидаги 13-оят битилган. Матн Қуръоннинг 3-сурасидаги 16-17-оятларни ўз ичига олади. Шунингдек, ҳозир ҳам эътибор бериб қаралса, кўшк остида ганчдан ясалган ва пишган ғишт рангида бўялган икки қатор йирик шрифтда куфий ёзув қолдиқлари кўзга ташланади.

1926-йил археолог олим Мусо Саиджонов, В.К.Косткова, инженер М.М.Лочинов бошчилигидаги экспедиция Работи Маликда бир неча кун бўлиб, бу жойни ўрганиш ва лойиҳалаштириш режасини тузади. 1927-йилда Б.Н.Засыпкиннинг тавсияси билан Работи Маликда таъмирлаш ишлари бошланади.

1934-йил май ойида Кармана район ижроия қумитаси раҳбарияти Работи Малик тарихий ёдгорлиги ғиштларини янги қурилишларга, жумладан, шаҳар кўчалари йўлакларига ишлатиш учун рухсат сўраб, Ўзкомстарис (Ёдгорликларни асраш ва ҳимоя қилиш Республика ташкилоти)га мурожаат қилади. Лекин ташкилот бу таклифни рад этиб, Работи Маликни бузишга қатъий қаршилик кўрсатади. Шундан кейинги даврда Работи Маликни ўрганиш ва таъмирлаш ишлари мустақилликнинг 10 - йилларигача ўз ҳолига ташлаб қўйилади.

Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси археологик қазилма материаллари ҳисоботлари соҳа мутахассислари томонидан асраб қолинган ва ҳозирда давлат архивларида сақланмоқда.

1999 йили Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларидан қатор тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг, Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун жўнатилди. Жумладан: Навоий вилоятидан ҳам 5 та тарихий-маданий объект, Кармана шаҳридаги Қосим Шайх маданий мажмуйи, Мир Саййид Баҳром мақбараси, Работи Малик карвонсаройи ва Сардоба ёдгорликлари, Мавлоно Ориф Деҳгароний маданий ёдгорлиги танлаб олиниб, ушбу рўйхатга киритилди. Унгача уларнинг ҳеч бири жаҳон маданий-мероси рўйхатига киритилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралида “2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-58-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорнинг “2300 йиллик тарихга эга бўлган Кармана шаҳрини миллийлик билан уйғунлашган замонавий қиёфага келтириш, аҳоли ва саёҳлар учун қулай шарт-шароит ҳамда илғор архитектура ечимларига асосланган инфоратузилмани яратиш” номли 2-бандига асосан Карманадаги қатор тарихий обидалар қатори ЮНЕСКО тасарруфидаги Работи Малик Карвонсаройида ҳам кенг кўламли таъмирлаш-таклаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Қуйида иловадаги расмларда Малик Работ Карвонсаройининг мустақилликдан олдинги вайрона ҳолдаги ва мустақилликдан кейинги, ҳозирги давр кўринишлари акс этган.

References

1. Аҳмад ибн Маҳмуд. Китоби Муллазода. Бухоро вилоят кутубхонасининг Шарқ кўлёзмалари бўлими. №8, инв. № 299/1.
2. В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.Т.1.-Москва-1963, -С. 148.
3. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии, Л.-1973, -С.152.
4. Маев Н.А. Материалы для статистики Туркестанскаго края. Выпуск – 5. Петербург, 1879.
5. Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. Рус тилидан И.Ботиров таржимаси. Т.: Фан ва технология, 2012.
6. Немцева Н. Б. Рабат-и-Малик. В кн. Художественная культура Средней Азии IX-XIII века [Сборник статей.] –Т., 1983. -С. 116–118.
7. Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Тошкент, 1996, - Б. 99.
8. Эргашев Ж.Б. Ўтмишга назар/ № 13/2019. – Б. 5-6.
9. Ҳаитова О, Қурбонов Х. Кармана тарихи.-Тошкент:Машҳур пресс нашриёти, 2018.-Б.45.
10. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-жилд. – Т., 1999.
11. Қандаҳаров А.Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти-Тошкент., 2018.